

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 689-ҳадис

689 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّكُمْ سَتَحْرِصُونَ عَلَى الْإِمَارَةِ، وَسَتَكُونُ نَدَامَةً يَوْمَ الْقِيَامَةِ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ [1748].

689. Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Сизлар яқинда амирликка ҳирс қўясизлар, у эса қиёмат куни надомат бўлади.

Имом Бухорий ривояти.

Шарҳ: Мансабга қизиқувчан ва ҳарис бўлишдан нафратлантирилмоқда. Айниқса бу каби мақомга аҳл бўлмаганларда қайтарилмоқда. Ким мансабга ўтирсаю, ундаги ҳақларга риоя қилмаса, қаттиқ жазо бўлиши уқтирилмоқда.

Ушбу ҳадис нубувватнинг башоратларидан биридир. Ҳақиқатда у зотдан кейин амирликка қизиқувчилар ва унинг йўлида курашувчилар етилиб чиқди.

Мансаб ва мартабани яхши кўриш кишининг динини бузувчи нарсалардир. Зеро Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **«Кишининг мол-дунёга ва шараф-иззатга бўлган ҳирси қўрадаги қўйлар томон қўйиб юборилган икки оч бўрининг зараридан ҳам дини учун ёмонроқдир»**, деганлар.

(Имом Термизий ривоят қилиб, ҳасан, саҳиҳ, ҳадис дедилар).



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI